



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚУВ МОТИВАЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аймуҳаммедова Тумарис Какажановна

*Педагогик маҳорат маркази катта ўқитувчиси Қорақалпоғистон
Республикаси*

Аннотация: Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари орқали ўқув мотивациясини шакллантириш масалалари ёритиб берилган. Унда мотивациянинг таълим жараёнидаги аҳамияти, шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий принциплари ҳамда уларни амалий фаолиятга жорий этиш йўллари таҳлил қилинган. Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш орқали фаол ўқув мотивациясини ривожлантириш механизмлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: ўқув мотивацияси, шахсга йўналтирилган таълим, бошланғич синф, таълим технологиялари, педагогик ёндашув, индивидуал ривожланиш.

КИРИШ

Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замонавий талабларга жавоб бера оладиган, мустақил фикрлайдиган ва фаол фуқаро бўлиб етишадиган шахсларни тарбиялашни мақсад қилади. Айниқса, бошланғич таълим босқичи боланинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутди. Бу босқичда болаларда ўқишга бўлган қизиқишни юзага чиқариш, уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, яъни ўқув мотивациясини шакллантириш ўта муҳим ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда муҳим восита ҳисобланади. Бу ёндашув боланинг индивидуал хусусиятларини, қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олишга асосланади. Ўқитувчи таълимни эмас, балки болани, унинг имкониятларини марказга қўяди. Шу боис, бугунги таълимда шахсга йўналтирилган технологиялардан самарали фойдаланиш ўқув мотивациясини шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Мотивация ўқув фаолиятининг ички ҳаракатлантирувчи кучидир. У болани билим олишга интиладиган, янгиликка қизиқадиган, фаол иштирок этадиган субъектга айлантиради. Агар бола ўқиш жараёнида ўзини муҳим, керакли, мустақил қарор қабул қила оладиган шахс сифатида ҳис қилса, унинг ўқув мотивацияси кучаяди.

Ушбу мақолада ана шу жараённи амалга оширишда шахсга йўналтирилган технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз боради. Кейинги қисмларда



ушбу технологиялар тавсифи, уларни жорий этиш усуллари ва самарадорлигига оид илмий-назарий ва амалий жиҳатлар ёритиб берилади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг моҳияти

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари – бу таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг ривожланишига йўналтирилган, гуманистик ва индивидуал ёндашувга асосланган таълим концепциясидир. Бу ёндашувда ўқитувчи марказда эмас, балки ўқувчи шахси таълимнинг марказий нуқтасига айланади. Яъни, бу технология болани тайёрлаш эмас, балки унинг шахсий салоҳиятини очиш, у орқали билим олишга руҳий ва психологик тайёрликни шакллантиришни кўзда тутди.[1.Б.4]

Таълимда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий вазифаси – ҳар бир боланинг ўзига хос ривожланиш траекториясини яратишдир. Бу эса таълим жараёнини стандарт эмас, балки фардий ҳолда ташкил этишни талаб қилади. Бунда боланинг билиш қобилияти, эмоционал ҳолати, нутқи, жамиятдаги муносабатлари ва психологик ҳолати инобатга олинади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг асосий принциплари:

1. Инсоний қадр-қимматни тан олиш – ҳар бир бола бетакрор шахс сифатида қабул қилинади ва ҳурмат қилинади.
2. Индивидуал ёндашув – ўқувчининг қобилият, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда таълимни ташкил этиш.
3. Фаол иштирок – ўқувчи билимни тайёр ҳолда қабул қилмайди, балки уни фаол изланиш, тажриба ва мулоқот орқали эгаллайди.
4. Ўз-ўзини англаш ва ривожлантириш – таълим жараёни ўқувчига ўз қобилиятини кашф қилиш ва мустақамлаш имконини яратади.
5. Хатоларга ижобий муносабат – боланинг хатоси танқид қилинмайди, балки ўрганиш учун янги имконият сифатида қабул қилинади.

Шахсга йўналтирилган технологияларда қўлланиладиган асосий усуллар:

- Интерактив методлар: “Ақл чархпалаги”, “Мия штурми”, дебатлар, кейс-стади ва бошқалар. Ушбу усуллар болани фаол фикрлашга, мулоқот қилишга ва мустақил хулоса чиқаришга ундайди.
- Портфолио тузиш: ҳар бир боланинг шахсий ютуқларини қайд этиб бориш орқали унинг ўсиш динамикасини кузатиш ва рағбатлантириш.
- Шахсий ўқув режаларини тузиш: бола ўз ўқув мақсадларини белгилайди, бу эса унда масъулият ва мотивацияни оширади.
- Тадқиқот фаолиятига йўналтириш: бошланғич ёшдан оқ болани сўров, кузатув ва таҳлил қилиш каби тадқиқот элементларига жалб этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари болаларни стандарт билим эгаси эмас, балки мустақил фикрловчи, ижодкор ва ўз шахсий позициясига эга инсон сифатида тарбиялашни мақсад қилади. Ушбу технологиялар орқали



таълим индивидуаллашади, натижада ҳар бир бола ўз қобилияти ва салоҳиятига мувофиқ ривожланади.

Ўқув мотивациясини шакллантиришда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг ўрни

Шахсга йўналтирилган технологиялар болаларнинг ўқув фаолиятига бўлган қизиқишини оширади. Бундай технологиялар болага эркин фикр юритиш, ўз фикрини ифода этиш, муаммоларни мустақил ҳал қилиш имконини беради. Ушбу жараёнларда бола ўзини муҳим ва қадрли ҳис қилади, шу орқали унинг ўқишга бўлган мотивацияси кучаяди.

Шахсга йўналтирилган технологиялар қуйидаги усуллар орқали ўқув мотивациясини шакллантиришга ёрдам беради:[2.Б.86]

- Муваффақиятга эришиш ҳиссини уйғотиш: бола ўз ютуқларини ҳис қилса, унда таълимга бўлган ишонч ва қизиқиш ошади;
- Интерактив усуллардан фойдаланиш: ролли ўйинлар, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш, гуруҳларда ишлаш болаларда фаол иштирок ва қизиқиш уйғотади;
- Индивидуал ёндашув: ҳар бир боланинг қизиқиш ва қобилиятини ҳисобга олиб, унинг ривожланишига мувофиқ топшириқлар бериш;
- Таълим жараёнини ижодий ташкил этиш: расм чизиш, драмалаштириш, мулоқот ўйинлари ва бошқа ижодий машғулотлар орқали боланинг ўқишга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгаради.

Амалиётдан мисоллар

Масалан, “Мен кимман?” мавзусидаги ўйин давомида ҳар бир ўқувчи ўзини таништиради, орзуларини гапирди. Бу орқали болалар ўртасида дўстона муҳит яратилади, улар ўзини эркин ҳис қилади. Ёки “Фикрлаш чархпалаги” усули орқали болалар бир мавзу юзасидан эркин фикр билдиришади ва турли нуқтаи назарни англаш имконига эга бўладилар.

Бундай усуллар нафақат билим бериш, балки боланинг шахсий ривожланишига хизмат қилади. Уларда ўқувга нисбатан қизиқиш, жавобгарлик, мустақиллик ва ижтимоий фаолликни шакллантиради.

Бошланғич синфда шахсга йўналтирилган технологияларнинг амалий татбиқи

Шахсга йўналтирилган технологияларни фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалиётда ҳам тўғри қўллаш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашда бу технологияларнинг тўғри танланиши ва жорий этилиши уларнинг таълимга бўлган қизиқишини ошириш, ўқув фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш ва шахсий ривожланишини рағбатлантиришда катта аҳамият касб этади.

Шахсий ривожланиш дафтари (портфолио)



Хар бир ўқувчи учун алоҳида портфолио тузиш орқали унинг индивидуал ютуқлари, ижодий ишлари ва шахсий ўсишини кузатиб бориш мумкин. Бу усул болада ўзини баҳолаш, ўз ишларини таҳлил қилиш қобилиятини шакллантиради. Ўқитувчи эса ўқувчининг қайси соҳаларда ривожланаётгани ва қайси соҳаларда қийинчиликка дуч келаётганини аниқлаш имконига эга бўлади.

“Мен ҳақимда” мавзусидаги топшириқлар

Ўқувчиларга ўзлари ҳақида қисқача ҳикоя ёзиш, расм чизиш, орзулари ва қизиқишлари ҳақида сўзлаб бериш каби фаолиятлар топширилади. Бу машғулотлар боланинг ўзига бўлган ишончини оширади ва уни шахс сифатида танийдиган муҳит яратади. Шунингдек, ўқитувчи боланинг ички олами билан танишиш имконига эга бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш

Гуруҳларда ишлаш болаларда ҳамкорлик, мулоқот, ўзаро ҳурмат ва жамоада ишлаш кўникмасини ривожлантиради. Шахсга йўналтирилган ёндашувда ҳар бир болага гуруҳдаги ўз вазифаси, роли ва масъулияти берилади, бу эса унинг фаоллигини оширади.

Ўқувчи ташаббусларини қўллаб-қувватлаш

Ўқувчи қандай топшириқни бажаришни ўзи танлаш имконига эга бўлса, бу унинг фаоллигини янада оширади. Масалан, бир мавзуда ахборот йиғишда ўқувчи китоб, интернет, ота-она ёки мактаб кутубхонасидан фойдаланишни ўзи танлаши мумкин. Унинг танлови ҳурмат қилинади ва рағбатлантирилади.

Шахсий мақсад қўйиш ва баҳолаш

Ўқувчиларга дарс бошида “Мен бугун нима ўрганишни истайман?”, “Мен учун қайси мавзулар қизиқарли?” деган саволлар орқали шахсий мақсад қўйиш имкони берилади. Дарс охирида эса “Мен бугун нима ўргандим?”, “Мен ўз мақсадимга ета олдимми?” каби саволлар билан ўз-ўзини баҳолаш амалга оширилади. Бу жараёнда бола ўзига танқидий ва адолатли ёндашишни ўрганади.[3.Б.103]

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув мотивациясини шакллантиришда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари алоҳида аҳамият касб этади. Бу технологиялар ҳар бир боланинг шахсий имкониятларини очишга, билим олишга бўлган қизиқишини оширишга, ўзини эркин ва ишончли ҳис қилишига хизмат қилади. Боланинг фаол иштирокчисига айлантирилган таълим жараёнида у фақат билим эгаси бўлиб қолмай, балки мустақил фикрловчи, ижодкор ва масъулиятли шахс сифатида шаклланади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув таълимдаги стандартликдан воз кечиб, боланинг индивидуал ривожланишига йўналтирилган самарали педагогик муҳитни яратади. Бунда ўқитувчининг роли маслаҳатчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи



сифатида намоён бўлади, бу эса таълим жараёнидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Мақола жараёнида таҳлил қилинган назарий асослар ва амалий усуллар шуни кўрсатадики, шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан мақсадли ва тизимли фойдаланиш бошланғич ёшдаги болаларда барқарор ва ижобий ўқув мотивациясини шакллантиришнинг энг самарали йўлларида биридир. Шу боис, бугунги таълим тизимида ушбу ёндашувни кенг жорий этиш, ўқитувчиларни замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЛИМ ВАЗИРЛИГИ "Педагогик технология ва педагогик махорат" Тошкент-2020 4- б
2. K.Bundshuh "Эмоционаллик, мотивация ва уқиш" 1998 86- б
3. Ziegler, A.: Motivation. IN: Perleth, C.; Ziegler, A. (Hrsg.): Pädagogische Psychologie. Grundlagen und Anwen- dungsfelder. Bern; Göttingen: Verlag Hans Huber 1999, S. 103-6